

Ўзбекистон
ШАҲАРЛАРИ





Тошкент.
Театр майдони.

195282

Ў
ЎЗБЕКИСТОН
ШАҲАРЛАРИ



А. ЗОТОВ
Т. РАИМОВ
Н. СМЕРНОВ
Б. ЁҚУБОВ



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ
Тошкент — 1965

91 (083)
У-39

«Ўзбекистон шаҳарлари» номли қисқа справочник китобхонларни Ўзбекистон ССРнинг табиий бойликлари, халқ ҳўжалиги, аҳолиси, ёшарган кўҳна ва навқирон шаҳарлари, уларнинг тарихи, саноат тараққийети, архитектураси ҳамда ободончилиги билан таништиради.

Справочникда шаҳарларнинг ўтмиши, ҳозирги аҳволи ва истиқболлари кўрсатилган.

Китоб содда тилда ёзилиб, турли расмлар билан безатилган ва кенг китобхонлар оmmasига мўлжалланган.

Доцент Н. В. СМЕРНОВ таҳрири остида

На узбекском языке

Александр Николаевич Зотов,
Турсун Раимов,
Николай Васильевич Смирнов,
Бобо Якубов

ГОРОДА УЗБЕКИСТАНА

Перевод с издания издательства «Узбекистан»

Издательство «Узбекистон» — 1965 — Ташкент

Таржимон Э. Аҳмедов Редактор Қ. Абдуллаев
Рассом Р. Левицкий Бадий редактор М. Гумаров
Техредактор Т. Аббасов Корректор С. Назарова
Териншга берилди 28/VI 1965. Босишга рухсат этилди 25/XI
1965. Ҳормати 60×90₃₂ Бос. л. 10,625. Нашр. л. 14,99. Тиражи 10000.
«Ўзбекистон» нашриети. Тошкент, Навоий, 30 Шартнома
№ 599 — 64.

ЎзССР Министрлар Совети Матбуот Давлат комитетининг
иҳтисослаштирилган ҳарф терув фабрикасида терилиб, 3
босмахонасида босилди. Тошкент, Ленинград кўчаси, 15.
Заказ № 577 Баҳоси 77 т.



ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАБИИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРНИНГ РОЛИ

Ўзбекистон шаҳарлари қадимги тарихга эга. Уларнинг бир қисми милоддан аввал ва милоднинг дастлабки асрларида вужудга келди. Шунингдек, ҳозир ҳам Ўзбекистонда янги ва қайта қурилайётган социалистик шаҳарлар вужудга келмоқда. 1965 йили Ўзбекистонда 37 шаҳар ва 78 шаҳар типдаги посёлкалар мавжуд бўлиб, уларда республиканинг 35 процентдан ортиқроқ аҳолиси яшаган. Октябрь революциясигача республикамиздаги 25 шаҳарда Ўзбекистон аҳолисининг 24 проценти яшар эди, ҳолос.

Янги шаҳарларнинг вужудга келиши ва тараққий этиши ижтимоий иқтисодий шароит, моддий бойликлар ишлаб чиқариш усуллариға боғлиқ.

Шаҳарларнинг ривожланишиға табиий шароит ва табиий бойликлар ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Табiiй шароит ва хом ашё ресурслари шаҳарларнинг жойланишиға, уларнинг планлаштирилишиға, архитектурасиға, иншоотларнинг зичлигиға, иморатларнинг баландлигиға, соғлиқни сақлаш ишларининг



аҳволита, саноатнинг ихтисослашишига ва умуман шаҳарнинг бутун ҳаётига таъсир қилади.

Ўзбекистон территорияси тоғлар, тоғ этаклари ва текисликлардан иборат, улар ўзаро бир-бирлари билан боғланган. Бу боғланиш жуда мураккаб геологик процесслар натижасида тоғлар емирилишида, тоғ этаклари ва текисликларга емирилган бўш жинслар тўпланишида ҳамда тоғларнинг аста-секин тоғ этаклари ва текисликларга айланишида кўринади. Тоғлар, тоғ этаклари ва текисликлар катта-кичиклиги жиҳатидан ҳар хил. Тоғли зона энг кам майдонни, тоғ этаклари ундан кўпроқ, текисликлар эса энг кўп майдонни эгаллаган.

Ўзбекистондаги тоғ зоналари Тянь-Шань ва Олой системаларига кирувчи бир канча тизмаларни ўз ичига олади. Пском, Чотқол, Туркистон, Зарафшон ва Ҳисор тизмалари шулар жумласидандир. Бу тизмалар Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё областларининг бир қисmini эгаллайди. Рельефнинг паст-баландлиги ва қурилишга яроқли жойларнинг кам бўлиши бу ерларда шаҳарлар пайдо бўлиши ва ривожланишини чеклаб қўяди. Тоғли зона аҳолининг сийрақлиги билан бошқа зоналардан фарқ қилади. Бу ерларда кон-корхона ишчиларининг кичик посёлкалари, курортлар, дам олиш уйлари, ёзги пионер лагерлари ва қишқи чанги базаларигина учрайди, холос.

Тоғли зонада хушманзара жойлар, чуқур даралар, юриш қийин бўлган сўқмоқлар, оппоқ қор билан қопланган чўққилар, туризм ва альпинизмбоп ажойиб жойлар кўп.

Тоғ этаклари тоғ тармоқларини ва Чирчиқ-Оҳангарон, Фарғона, Зарафшон, Қашқадарё ҳамда Сурхондарё каби тоғ ораллиғидаги водийларни ўз ичига олади.

Рельефнинг қулайлиги ва дарёларнинг кўп бўлиши бу ерларда шаҳарлар барпо қилиш имконини беради. Тоғ этаклари зонасидаги шаҳар ва қишлоқларда аҳоли анча гавжум.

Текисликлар зонаси Турон паст текислигига киради. Бу зона ниҳоятда хилма-хил табиий ландшафтларга эга. Унинг бепоён майдони жуда ҳам ўзига хос ва бир хил эмас.

Текисликнинг каттагина қисmini Қизилқум саҳроси ва Устюрт платоси эгаллайди. Устюрт бир оз (денгиз сатҳидан 200—300 метр) баланд бўлган шағал-тупроқли платодан иборат бўлиб, у ерда аҳоли пунктлари жуда кам, борлари ҳам кейинги йиллардагина вужудга келган.

Қизилқумнинг жануби-шарқий қисми Зарафшон ва Қашқадарё қуйи оқимларидаги аллювиал текисликлар билан қўшилиб кетади. Ана шу дарёларнинг қуйи оқимларида кенг дельталар мавжуд. Улар Бухоро, Қорақўл ва Қарши воҳаларини ўз ичига олади. Бу ерлар сал нишаб бўлиб, ер ости сувлари сатҳига тенг келади, шунинг учун ҳам бу ерларда шўрхок ерлар ва ботқоқликлар кўп.

Шарқда Қизилқум саҳроси билан, ғарбда Қорақум ва Устюрт ораллиғида сув олиб келган оқиқдан иборат, шимолга нишаброқ Амударё дельтаси бор. Кишилар асрлар давомида Амударё тошқинига қарши курашиб, қатор тепалар вужудга келтирдилар, бу қатор тепалар орасида чуқурлар ҳосил бўлди. Ана шу чўкмалардан кўпинча ер ости сувлари чиқиб турган. Чўкмалар ботқоқликлар ва шўрхоликлардан иборат.

Қашқадарё, Зарафшон, Амударёнинг дельталари ва бошқа паст текисликлар шаҳарлар қуриш учун боп жойлардир. Бироқ бу жойларда ҳам ер юзасига яқин бўлган шўр сизот сувлар ва шўрхоқлар

иморатлар қуришда катта қийинчиликлар туғдиради. Бунинг учун зовурлар қазииш ва бошқа чоралар кўришга тўғри келади, бу эса кўп меҳнат ва маблаг сарфлашни талаб этади.

Геологик шароитлар, айниқса тектоник ўзгаришлар Ўзбекистоннинг кўпгина районларида кучли ер қимирлашлар бўлиб туришига сабабдир. Тоғлар, тоғ этаклари ва тоғ оралиғидаги водийларда ер энг кўп қимирлайди. Ўрта Осиё сейсмологлари Ўзбекистонда энг кўп ер қимирлайдиган жойлар Фарғона водийси ва уни қуршаб турган тоғларга тўғри келади деб ҳисоблайдилар. 1883 йилдан 1957 йилгача ана шу ерларда 220 марта кучли ва сезиларли ҳамда жуда кўп кучсиз ер қимирлашлар бўлиб ўтган.

Тянь-Шань тоғи тармоқларида ҳам ер тез-тез қимирлаб туриб, унинг таъсири Тошкент ва бошқа шаҳарларгача етиб келади. Ҳисор тоғ тизмаларида ҳам шундай ҳодиса рўй бериб туради.

Ўзбекистон шаҳар қурилишида табиий компонентлардан иқлим шароити катта роль ўйнайди.

Территориянинг кенлиги, рельефнинг хилма-хиллиги ва бошқа шароитлар туфайли республиканинг турли қисмида иқлим ҳам турличадир. Жанубдаги текисликлар, Амударё этаклари ва Устюрт тоғ этакларидаги текисликлар ҳамда тоғ оралиғидаги водийлар, тоғлар иқлим жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади.

Жанубдаги текисликлар ёзининг ниҳоятда иссиқ ва қуруқлиги, қишининг илиқ ва сернам бўлиши билан ажралиб туради. Бу ерда энг юқори температура ра 45—48° гача етади, ўртача суткалик температура эса (180—210 кун давомида) 15° дан юқори бўлиб туради. Тўрт-беш ой давомида осмон мусаффо бўлиб, ёгин деярли ёғмайди. Айниқса Термиз, Шеробод, Ғузор ва бошқа жойларда жазирама иссиқ ва

ёгин кам бўлади. Ана шу жойларга бир йилда 135—200 мм ёгин тушиб, 50 кундан зиёд суткалик ўртача температура 30° дан юқори бўлади. Натижада бу ерларда кучли гармсел (иссиқ шамол) лар кўтарилади. Бундай пайтда ҳаво ниҳоятда қуриб кетиб, ундаги нисбий намлик эса 10 процентдан пастга тушиб кетади.

Қуйи Амударё ва унга ёндашган районларнинг иқлими бошқа текисликлар иқлимидан фарқ қилади. Бу кенг майдон Турон паст-текислигининг иссиқ саҳролари билан Қозоғистон текисликларидати совуқ саҳролар оралиғидалиги учун қиши жуда совуқ (қўпинча 30° дан ҳам ортиқ) бўлади. Республиканинг бошқа районларига қараганда ёз қисқа ва салқинроқ бўлади. Бироқ пахтанинг тез пишир навларини етиш-тириш учун иссиқ етарли. Қуйи Амударё Ўзбекистоннинг ёгин энг кам тушадиган райони (йиллик ёгин Хивада 80 мм, Қўнғиротда 108 мм).

Ёзда тоғ этаклари зонасида температура юқори бўлади, аммо жанубдаги текислик районлар каби ҳаддан ташқари иссиқ бўлмайди, температура онда-сонда 42—43° га кўтарилади, Мирзачўлнинг жанубий қисмидагина иссиқ 44—45° га етади. Жанубий районларга нисбатан бу ернинг қиши совуқроқдир.

Тоғ этаклари зонасида ёгингарчилик кўпроқ бўлади. Масалан, айрим шаҳарларга йилига 150 мм дан 300 мм гача ва ундан ортиқ ёгин ёғади. Шунга кўра ҳаводаги намлик ҳам юқори (30 процентдан пасаймайди).

Фарғона водийси иқлим шароитининг қулайлиги-га кўра бошқа тоғ этаклари районида ажралиб туради.

Ўзбекистоннинг паст тоғлари (денгиз сатҳидан баландлиги 1200—1600 м гача) шаҳар посёлкаларининг иқлими текисликлардагига қараганда қиши

ҳаёти учун оромбахшдир. Ёзда тоғда ҳаво салқинроқ, иссиқ кунлар кам, тунлари муздек салқин бўлади. Ҳар йили 500 мм дан 800 мм гача ва ундан кўп ёғин ёғади. Масалан, Чимёнда (денгиз сатҳидан 1400—1500 м баландликда) қиш уч ойдан ортиқ давом этади. Чимён ҳамда Фарбий Тянь-Шаннинг бошқа хушманзара тоғларининг нишаб ва тик тушган ёнбағирлари аҳолининг чанги учадиган энг сеvimли жойларидир.

Зона ва районлар иқлимининг бир-биридан фарқ қилиши шаҳарлар қурилиши ва планлаштирилишига таъсир этади. Ўзбекистонда, айниқса унинг жанубий районларида ёз ойларида ҳаво ҳаддан ташқари қизиқ кетади. Шунга кўра бу ерларда кўчалари кенг, сердарахт ва сербута ҳамда мовий кўлли ямшил шаҳарлар барпо қилиш керак. Ана шунда ёзнинг жазирама иссиғи анча қайтарилиб, соя-салқин бўлади.

Ўзбекистонда қуёшли кунларнинг кўп бўлиши иссиқ севар экинлар етиштириш билан бирга, қуёш нуридан саноатда ва кундалик ҳаётда фойдаланиш учун қулай шароит туғдиради.

Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё табиий шароитида сув бойликлари катта роль ўйнайди. Ундан деҳқончиликда ҳам, энергетикада ҳам ва саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам фойдаланилади. Инсон сувдан фойдаланиши туфайли қовжираб ётган саҳроларни чаманзор воҳаларга айлантирди, шаҳар ва қишлоқларни электр нурига чўмдирди.

Ўзбекистонда 10 километр ва ундан узун дарёларни ҳисоблаганда 656 дарё бор. Ўзбекистондан Ўрта Осиёнинг улкан дарёлари — Амударё ва Сирдарё оқиб ўтади. Бу икки дарё ҳам Орол денгизига қуйилади. Амударёнинг ўрта қисмида унга Сурхондарё ва Шерободдарё қўшилади. Фарғона водийсида

эса Сирдарёга бир қанча irmoқлар қуйилади. Ёз ойларида бу irmoқларнинг суви деҳқончиликка сарфлангандан Сирдарёга етиб келмайди. Тошкент воҳасида Сирдарёга Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари келиб қўшилади.

Амударё билан Сирдарё ўртасида кенгликлар бўйлаб Зарафшон ва Қашқадарё оқади. Бу дарёларнинг сувлари ҳам деҳқончиликка кетиб, Амударёга қуйилмайди.

Ўрта Осиё дарёлари самога етган тоғлардан бошланиб, водий ва текисликларга катта куч билан оқиб тушади ҳамда ўз оқимида жуда кўп сув энергияси запасларини ҳосил қилади. Сув проблемалари ва гидротехника институти маълумотларига¹ қараганда Ўзбекистон ва унга ёndoш районлар дарёлари сув энергетика ресурсларининг ўртача йиллик қуввати 23,5 млн квт га етади. Бу бир йилда 205 млрд квт соат электр қуввати ишлаб чиқиш демакдир. Шундан 12,2 млн квт ёки 107 млрд квт соат Ўзбекистонга тўғри келади. Сув энергия запаслари бўйича республикада биринчи ўринда Фарғона водийси, кейин Зарафшон, Чирчиқ, Сурхондарё ҳавзалари ва бошқалар туради.

Октябрь революциясигача Ўзбекистондаги сув энергияси ресурсларидан фойдаланилмаган ва бу ерда гидроэлектр станциялар йўқ эди. Эндиликда сув ресурслари электр энергия ишлаб чиқаришда асосий омил бўлиб қолди.

Чирчиқ дарёси ҳавзасида, гидроэлектр станциялар районида электр химия комбинати ва Чирчиқ шаҳри бунёдга келди. Кейинги йилларда бу ерда электр қувватини кўп талаб қиладиган бошқа корхоналар

¹ А. З. Зоҳидов, А. Ф. Чернова. Водоенергетические ресурсы рек Узбекской ССР, Ташкент, 1963.

ҳам вужудга келди. Улар шаҳарнинг ўсишига катта таъсир кўрсатмоқда. Гидротехника иншоотлари яқинида кўпинча шаҳар типидagi посёлкалар қад кўтаради, баъзилари ўсиб шаҳарларга айланади. Айрим сув омборлари (Туябўғиз, Каттақўрғоч) яқинидаги қурувчилар посёлкаларидан меҳнаткашларнинг дам олиши учун фойдаланилади.

Шаҳар ва шаҳар типидagi посёлкалар вужудга келишида фойдали қазилма конлари муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон Совет Иттифоқининг фойдали қазилмаларга жуда бой бўлган районларидан биридир. Республикамизда кўмир, нефть, табиий газ, рангли, нодир ва қимматбаҳо металллар, олтингургурт ва озокерит (тоғ муми) конлари мавжуд, қурилиш материаллари учун турли-туман хом ашёлар бор.

Ўрта Осиёда аниқланган кўмир запасининг қарийб ярми Ўзбекистондадир. Оҳангарон ва Шаргун йирик кўмир конлари ҳисобланади. Оҳангарон кўмири сернам ва кули кўп, шунинг учун ҳам уни ўша ернинг ўзида ишлатиш иқтисодий жиҳатдан фойдалидир. Шунга кўра бу ерда ГРЭС қурилган. Оҳангарон ва Шаргун кўмир конларини ишга солиш тугайли Ангрен шаҳри ҳамда шаҳар типидagi Такчиён посёлкаси вужудга келди.

Республикада нефть ва газнинг катта запаслари мавжуд. Улар Фарғона ва Сурхондарё водийлари, Бухоро — Хива нефть-газ райони ва Устюртдадир. Ўзбек геологлари олиб борган қидирув ишлари тугайли нефть ва газ запасларининг миқдори йил сайин ортиб бормоқда. Энданликда Ўзбекистон табиий газнинг мўлжалланган ва қазиб олиниб турган запаслари жиҳатдан Совет Иттифоқидида бири-ни ўртада туради. Бунда Газли кони асосий ўринни эгаллайди. Республикамиз Ўрта Осиё, Жанубий Қозғоғистон ва Уралга юқори калорияли ёқилғи ва

муҳим химия хом ашёси етказиб берадиган йирик районга айланмоқда. Табиий газдан фойдаланиш асосида Ўзбекистон энергетика саноати айниқса тез ривожланмоқда. Бухоро, Каттақўрғоч, Тошкент ва Фарғонадаги иссиқлик электр станциялари ҳозир табиий газда ишлашга кўчирилди. Тошкент ва Навоий шаҳарларидаги янги йирик ГРЭСлар ҳам табиий газ билан ишламоқда.

Табиий газ Ўзбекистон химия саноатида азот ўғити, хилма-хил синтетик материаллар, шу жумладан ацетат ипаги ишлаб чиқаришда кенг қўлланилмоқда.

Нефть ва газ чиқариладиган жойларда ўнлаб ишчи посёлкалари вужудга келди. Табиий газ шаронтидан янги барпо қилинган Навоий шаҳри энергия ва химия саноатининг йирик марказига айланмоқда.

Ўзбекистон руда ва рудамас қазилмаларнинг йирик запасига эга. Бунда Оҳангарон дарёсининг чап соҳилидаги Қурама тоғлари катта ўрин тутади. Қурама тоғларида қўрғошнинг, рух, мис ва бошқа мегалларни ўз ичига олган комплекс конлар топилган. Металлар қазиб чиқариш, уларни бойитиш ва эритиш тугайли бу ерда қудратли металлургия ва химия корхоналари қурилади. Олмалиқ шаҳри ва Олтинтопанг сингари шаҳар типидagi посёлкалар вужудга келди.

Ўзбекистонда олтингургурт, калий туз ва тош туз каби химия хом ашёлари кўп.

Республикамизнинг кўпгина районларида қурилиш гиллари, оҳактошлар, мармарлар бор. Цемент ва гишт ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оҳактош ва гилларнинг энг катта конлари Оҳангарон водийсида, Фарғона водийсининг кўп жойларида, Фарҳод қояларида, Жиззах шаҳри яқинида, Нурота тоғлари ва республиканинг бошқа ерларидадир. Ана шу конлар ишга солинган жойларда — Қувасой шаҳри

ҳамда Ангрен, Қоровул бозор сингари шаҳар типидagi посёлкалар вужудга келди.

Бироқ шаҳарларнинг ташкил топиши ижтимоий-тарихий процесс бўлиб, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши билан белгиланади. Шаҳарларнинг кўплиги ва аҳолисининг сони саноат ва транспортнинг ривожланишига боғлиқ.

Ўзбекистоннинг йирик шаҳарлари ўз тараққиётида узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон деҳқончилик ва шаҳар маданиятининг энг қадимги ўчоқларидандир. Эраמידан илгариёқ Зарафшон ва Фарғона водийсида, Амударё қуйи оқимларида вужудга келган Суғди, Довон ва Хоразм каби қадимий давлатлар ўша даврда иқтисодий ва маданий жиҳатдан анча тараққий қилган давлатлар эди.

Ижтимоий меҳнатнинг бўлиниши, ҳунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиши, ички ва ташқи савдонинг борган сари ривожланиши шаҳарлар вужудга келиши ва тараққий этишида муҳим омил бўлди. Юқорида айтиб ўтилган давлатлардаги (уларнинг харобаларида кейинчалик Бухоро амирдиги, Хива ва Қўқон хонлиги ташкил топади) шаҳарлар қулдорчилик ишлаб чиқариш усули пайдо бўлган даврнинг бошларидаёқ вужудга келган эди. Бу ердаги шаҳарлар аҳолиси зич воҳаларда пайдо бўлди, қишлоқлар шаҳарларга айланди, айрим шаҳарлар карвон йўлларида қад кўтарди.

Қадимги шаҳарлар жумласига Самарқанд (Мараканда), Тошкент, Термиз, Эрша (Андижон области-нинг Марҳамат қишлоғида харобалари сақланган), Ахсикент (Сирдарёнинг ўнг соҳилида — Наманган яқинида унинг харобалари бор), Косонсой (ҳозир Фарғона областидаги кичик посёлка), Бухоро, Хива, Марғилон, Андижон ва бошқалар киради.

Кўп асрлар давомида босқинчиларнинг ҳужуми, карвон йўлларининг ўзгариши ёки эски йўллар ҳувилаб қолиб, янгилари пайдо бўлиши туфайли айрим шаҳарлар гоҳ инқирозга учрар, гоҳ яна асл ҳолига тушиб ривожланиб кетар эди. Айрим шаҳарлар бутунлай йўқ бўлиб кетар, ёки кичик қишлоқларга айланиб қоладди. Жумладан савдо йўли ўзгариши натижасида Фарғонанинг қадимги маркази — Эрша шаҳрида ҳам ана шундай аҳвол юз берди. Қаттиқ элазила Ахсикентни ер билан яксон қилиб, харобага айлантирди. Қадимги Хоразмда ҳам бир қанча шаҳарлар йўқ бўлиб кетди ва ҳоказолар.

Давлатларнинг парчаланиб кетиши, ўзаро феодал урушлари, иқтисодий ривожланишини, савдо ва саноатни заифлаштирар, бу эса шаҳарлар тараққиётига ҳам салбий таъсир этарди. Ана шунинг учун ҳам Ўрта Осиё Россияга қўшилган давргача Ўзбекистонда катта шаҳарлар йўқ эди (Тошкентдан ташқари). Кўпчилик шаҳарларда 5—10 минг аҳоли яшарди, холос ва ниҳоятда нообод эди.

Феодал давлатларнинг бўлиниши, ўзаро урушлар ва иқтисодий қолоқлик шаронтида Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистоннинг Россияга қўшилиши прогрессив роль ўйнади. Чунки бу қўшилиш Ўрта Осиё ва Ўзбекистон хўжалигини Россия иқтисодий ҳаётига яқинлаштирди ҳамда капиталистик алоқаларнинг ривожланишини тезлаштирди.

Саноат, транспорт ва савдонинг ривожланиши шаҳарларнинг кенгайишига сабаб бўлди. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Наманган каби кўҳна шаҳарлар яқинида янги-янги шаҳарлар вужудга келди. Маъмурий марказлар — янги Марғилон (ҳозирги Фарғона) ва Петро-Александровск (Тўрткўл) пайдо бўлди.

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ

Қўрсаткичлар	1913 йил	1940 йил	1953 йил	1960 йил	1963 йил
Врачлар сони	139	3175	8167	12251	15691
Ўрта маълумотли медицина ходимларининг сони	286	12322	19502	39339	46668
Қасалхоналар сони	63	390	712	1151	1149
Қасалхоналардаги ўринлар сони (минг ҳисобида) . .	1,0	20,6	36,7	74,2	84,7
Аҳолининг ҳар 10 минг кишисига врачлар сони .	0,3	4,1	10,8	12,9	15,0
Ҳар 10 минг кишига ўрта маълумотли медицина ходимининг сони	0,7	18,0	27,5	44,6	47,5
Аҳолининг ҳар 10 минг кишисига қасалхона ўринларининг сони . . .	2,3	30,1	51,7	84,0	85,2

МУНДАРИЖА

ЎЗБЕКИСТОН ШАҲАРЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ТАБИИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТЛАРНИНГ РОЛИ

3

Тошкент области шаҳарлари

ТОШКЕНТ	41
ЧИРЧИК	62
ҒАЗАЛКЕНТ	66
ОЛМАЛИҚ	69
АНГРЕН	72
ЯНГИЙҮЛ	78
БЕКОВД	81

Сирдарё области шаҳарлари

ГУЛИСТОН	91
ЯНГИЕР	94
ЖИЗЗАХ	97

Фарғона области шаҳарлари

ФАРҒОНА	103
МАРҒИЛОН	114
ҚУВАСОН	122
ҚУҚОН	125

Андижон области шаҳарлари

АНДИЖОН	133
ЛЕНИНСК	143
НАМАНҒАН	148

Самарқанд области шаҳарлари

САМАРҚАНД	159
КАТТАҚУРҒОН	182

Бухоро области шаҳарлари

БУХОРО	187
КОҒОН	203
НАВОИЙ	206

Қашқадарё области шаҳарлари

ҚАРШИ	211
ШАҲРИСАБЗ	215

Сурхондарё области шаҳарлари

ТЕРМИЗ	221
ДЕНОВ	225

Хоразм области шаҳарлари

УРҒАНЧ	229
ХИВА	234

Қорақалпоғистон АССР шаҳарлари

НУҚУС	241
ХУЖАЙЛИ	248
ТАХИАТОШ	251
ЧИМБОЙ	254
БЕРУНИЙ	257
ТЎРТКЎЛ	260
ҚУНҒИРОТ	263
МУЙНОҚ	266

Истиқболга бир назар	271
--------------------------------	-----

ИЛОВАЛАР	282
--------------------	-----